**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВА МУНИРА РАСУЛОВНА**

# ТИЛЛАРГА ИХТИСОСЛАШМАГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ИЖОДИЙ ФАОЛЛИКНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2018**

**УДК:37;44;42/48**

**Педагогика фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации**

**доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Кадирова Мунира Расуловна**
Тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларига чет тилини ўргатишда ижодий фаолликни модернизациялаш ……..... 3

**Кадирова Мунира Расулона**
Модернизация творческой активности студентов при обучении иностранному языку в неязыковых высших образовательных учреждениях …….. 21

**Kadirova Munira Rasulovna**
Modernization of creative activity of students learning foreign language in non-special high school …….. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …… 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВА МУНИРА РАСУЛОВНА**

# ТИЛЛАРГА ИХТИСОСЛАШМАГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ИЖОДИЙ ФАОЛЛИКНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Ped133 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Юзликаев Фарит Рафаилович**
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ахмедова Лайлохон Талибжановна**
педагогика фанлари доктори, профессор

**Нишанова Замира Таскараевна**
психология фанлари доктори, профессор

**Етакчиташкилот:** **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276–82–32; факс: (+99871) 276-76–51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.Тел:(+99871) 276–82–32;факс: (+99871) 276-76–51.

Диссертация автореферати2018йил «_____» _____да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш. С. Шарипов**
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р. Г. Исянов**
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,доц.

**Л. Р. Мўминова**
Фан доктори илмий даражалар берувчи
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д, проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати**.Жаҳон таълим тизимидаги туб ислоҳотлар талабаларнинг ижодий қобилиятларини реализациялаш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашган шахснинг интеграл сифатлари ва ижодий фаоллигини ривожлантириш муаммоларини илгарисурмоқда.Таълим олувчиларнинг интеллектуал фаоллигини шакллантириш, уларнинг тайёргарлигини баҳолаш масалалари билан ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Европа Университетлари Ассоциацияси, Олий Таълим Сифатини Таъминлаш Европа Тармоғи каби ташкилотлар шуғулланмоқда. Бу шахсийликнинг умумий тенденцияларда ривожланиши, замонавийлик ва ёш авлодда шахсий хислатларнинг шаклланишида катта аҳамият касб этиб, замонавий тарбия муаммолари билан боғлиқ ҳолда талабаларнинг ижодий қобилиятларини оширишга хизмат қилмоқда.

Республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилишда хорижий тажрибаларга асосланган халқаро стандартларга мос келувчи ўқув дастурлари билан мувофиқлаштириш олий педагогик таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлди. Ўзбекистон шароитида миллий минталитетимиз, урф- одатларимизни инобатга олган ҳолда хорижий тажрибалар асосида таълим сифатини тубдан ислоҳ қилиш давр талабидир. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1]да мамлакатимизда «....таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларни яратиш...»,кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши ва талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш, олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Дунёда тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларига чет тилларни ўргатиш бўйича қуйидаги устувор йўналишдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда: Умумевропа CEFR талаблари асосида талабаларга чет тилларни ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш; ўқитиш мазмуни, таълим технологиялари, назорат объективлигини кучайтириш; талабаларнинг таълим, маънавият ва илм фан соҳасида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш; аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил таълимни ташкил қилиш.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони,2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги,2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш уствор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**Мамлакатимизнинг педагог олимлари, жумладан, А.Р.Арипжанова, Б.Р.Адизов, Р.Х.Жўраев, Г.Н.Ибрагимова, О.М.Мусурмонова, Д.И.Рўзиева, Э.А.Саитхалилов, У.И.Иноятов, Н.М.Эгамбердиева, Э.Р.Юзликаева, Ш.С.Шарипов, Ш.С.Шодмонованинг илмий изланишларида талабаларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг бўлажак мутахассисларнинг касбий-инновацион тайёргарлигини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатлари, шахснинг ижодий фаоллиги, шунингдек, талабаларда танқидий, ижодий тафаккурни шакллантириш йўллари ва шакллари,мавжуд педагогик шарт-шароитлари, дидактик таъминоти, шунингдек, педагогик ижодкорлик мазмуни ёритилган.

Инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш,шахсга йўналтирилгантаълим муҳитини ташкил қилиш масалалари А.А.Абдуқодиров, Н.А.Азизходжаева, У.Ш.Бегимқулов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ў.Қ.Толипов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида асосланган.

Ўзбекистонлик олимлар Ж.Ж.Жалолов, К.Ж.Рискулова, Г.М.Махкамова, Ф.Р.Юзликаевлар томонидан олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш масалалари тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатлар ва мустақил ҳамдўстлик давлатлари олимлари Ю.К.Бабанский, Ф.Барон, В.П.Беспалько, К.Роджерс, В.Сластёнинларнинг тадқиқотларида бўлажак мутахассисларда ижодий фаолликни шакллантириш ва шахсга йўналтирилган эркин таълим муаммолари; Е.Галишникова, Г.Китайгородская, Е.Пассов, И.Попов каби олимларнинг тадқиқотларида чет тилларни ўқитиш назарияси ва методикасини ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Илмий кузатишлар ва таҳлиллар тилларга ихтисослашмаган таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш муаммоси монографик тарзда ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълиммуассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг А-1-100 «Тиббиёт ходимлар учун чет тили, ахборот коммуникация ва таълим технологиялари бўйича узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш»(2015-2017 йй.)амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаси талабаларида ижодий фаолликни модернизациялашнинг педагогик механизмларини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларни ўқитишда креативлик, ижод тушунчалари бўйича қиёслаш, ижодий қобилиятлар таснифини модернизациялаш асосида талабалар ижодий фаолиятининг асосий жиҳатлари ва таркибий қисмларини аниқлаштириш;

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш мотивацияси, моҳияти,тузилиши, хусусиятлари ва педагогик шароитларини аниқлаш;

инглиз тилини ўрганишда танланган мезонларга мос ҳолда талабаларнинг ижодий фаоллик даражалари тизими, мазмуни ва омилларини аниқлаш, уларни ташхислаш методикасини такомиллаштириш;

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш ва модернизациялаш моделини қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти** тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини модернизациялашнинг шакл, метод ва воситаларидир.

**Тадқиқотнинг усуллари.**Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун бўлажак педагогларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича кузатиш, материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; социологик тадқиқот, жамоавий ва якка тартибда суҳбатлар, сўровлар (ёзма ва оғзаки), анкета сўровномаси; педагогик тажриба-синов, эксперт баҳолаш; тажриба-синов натижаларини математик статистика методи ёрдамида таҳлил усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили ўргатиш коммуникативлик, ижодий фаоллик ва креативлик компонентлари, ўз-ўзини бахолаш, индивидуал ривожлантириш,ауто-психологик тренинг мажмуини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш сифати, ўқув-билиш фаолияти, инновацион ва ижодий фаолият компонентларини оптималлаштириш асосида ривожлантирилган;

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели когнитив, ташкилий-фаолиятли, мотивацион мезонларни факторли таҳлил ҳамда касбий лаёқатлар, амалий касбий билимларни аниқлаштириш орқали такомиллаштирилган;

таълим йўналишларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини инглиз тилини билиш даражаларини ривожлантириш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш ва талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича дастурлар,ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилган;

талабалар фаолиятида ижодий ёндашувга оид ўқув-услубий қўлланмалар, инглиз тилидан тест ва назорат топшириқлари, дидактик материаллар яратилган;

«Our travelling» мавзуси бўйича иш ўйинлари, «Control tasks» топшириқлар, лойиҳалар усули, дискуссиялар, кейс-стади (машғулот режаси, тузилиши, ўтказилиши бўйича тавсиялар) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилларга ихтисослашмаган таълим йўналишларида талабаларнинг инглиз тилини ўрганишида «English for medical purpose»,«English for information technology» номдаги ўқув-методик қўлланмалар орқали талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитлар такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалар республика олий таълим муассасаларининг тилларга ихтисослашмаган таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг ижодий фаоллиги сифатни оширишда янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш имконини бергани;тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан олий таълим тизимининг тилларга ихтисослашмаган таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**Чет тилни ўргатишда ижодий фаолликни модернизациялашга оид тадқиқот натижалари:

чет тилларни ўрганиш жараёнида тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фаоллигини оширишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар таълим йўналишлари ўқув жараёнигататбиқ қилинган(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017

йил 21 августдаги 89-03-1412 сон маълумотномаси). Бу таклифларнинг жорий қилиниши тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларининг чет тилига оид билимлари самарадорлиги ошишига хизмат қилган;

талабаларга инглиз тилини ўқитиш сифати, ўқув-билиш фаолияти, инновацион ва ижодий фаолият компонентлари А-1-100 «Тиббиёт ходимлари учун чет тили, ахборот коммуникация ва таълим технологиялари бўйича узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш» амалий лойиҳаси доирасида ривожлантирилган (2015-2017 йй.)(Ҳудудий инновация фаолияти трансфери марказининг 2017 йил 17 августдаги 44-2-сонли маълумотномаси). Натижада, тиббиёт таълим йўналишлари талабаларининг мутахассислик доирасида амалий чет тилини билиш даражаси 36,7 % га ошган;

тиббиёт таълим йўналишлари учун ишлаб чиқилган «English for medical purpose»(Part 1-2) ўқув-услубий қўлланмаси Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалиўқув жараёнига татбиқ қилинган (Таълимни ривожлантириш марказининг 2017 йил14 декабрдаги 300-301-сонли баёни). Олинган илмий натижалар талабаларнинг тиббиёт соҳасига оид терминлар ва фаол қўлланадиган сўзларни билиш ва тушуниш малакасини ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг натижалари, 2 республика, 2 халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилингалиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги,илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чет тилини ўрганиш жараёнида талаба шахси ижодий шаклланишининг назарий-методологик асослари**»деб номланган

биринчи бобида шахснинг креативлиги ва ижодий фаолияти, ижод моҳиятининг тарихий ва замонавий тавсифи; инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллиги структураси ва моҳияти; тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнининг барча босқичларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш хусусиятлари очиб берилган.

Замонавий педагогик-психологик адабиётлар ва тадқиқотларда «шахснинг ижодий салоҳияти» тушунчаси турлича таърифланган, масалан, шахснинг ижодий салоҳияти:

а) фикрлаш ривожланишининг юқори даражаси бўлиб, стереотиплик ва оригиналлик эмас, балки фаолиятнинг янги шароитларига асосан, ҳаракат усулларини тез алмаштириш қобилияти (И.В.Смолярчук, Р.Х.Джураев);

б) ўз фаолияти ва хулқини инновацион амалга оширувчи субъектив шартлари бўлган имкониятлар ва қобилиятлар(СейтхалиловЭ.А.,КапитовЭ.А.).

Шу билан бирга, ижодий фаолият – бу, аввало, талабаларнинг мустақиллиги, бунда нафақат фикрлаш фаолияти хусусиятлари (фикр янгилиги, интуиция), балки ижодга бўлган ички интилиш, яъни омилнинг хусусиятлари (қизиқиш, шижоат, ирода, мақсадга интилувчанлик, илҳом ва ҳ.к.).

Ижодий фаолиятга оид тадқиқотларда эришилган муваффақиятлар педагогика фани ривожланишининг асосий жиҳатлари билан боғиқ:

фаннинг ривожланиши натижасида ижодга бўлган идеалистик қарашларни бартараф қилиш;

ижодий фаолиятнинг сифат жиҳатидан бошқа фаолият турларидан фарқини англаш;

улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижодий фаолият.

Кўплаб илмий концепцияларда қобилият ва шарт-шароитлар креативликни билдирадиган ижодий имкониятлар ва қобилиятлар билан боғланади (Холодная.М.А., Кашапов.М.М., Роджерс.К).

Креативлик фикрлаш, мулоқот ва бошқа фаолият турларида, ноаниқлик, қарама-қаршиликларда намоён бўлади. Креативликнинг асосий йўналишлари қуйидагилар: креативлик – маҳсулот, жараён, қобилият, шахснинг фазилати.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида кўриб чиқилган ижодий фаолият муаммосига оидматериалларни назарий англаш ва умумлаштириш асосида қуйидаги компонентлар ажратилди:а) шахснинг ижодий-мотивация фаоллиги, мақсадга йўналганлиги;б) шахснинг интеллектуал-мантиқий қобилиятлари;в) шахснинг интеллектуал-эвристик, интуитив қобилиятлари;г) шахснинг коммуникатив-ижодий қобилиятлари.

Таълим жараёнлари самарадорлигини баҳолашмезонларини шакллантиришда: интеллектуал қобилятли, интеллектуал ташаббус, интеллектуал ижод ва интеллектуал ўз-ўзини бошқариш ҳисобга олинган.

Тадқиқотда талабаларнинг ижодий ўз-ўзини ривожлантириш даражалари тўлдирилди ва татбиққилинди:

1) **пассив** талаба ўзининг имкониятларига ишонмайди, шу билан бирга, берилган маълум ижодий топшириқларни бажара олмайди ва ҳоҳламайди; 2) **суст, бўш** талаба ўз кучи ва имкониятларида иккиланади, ижодий

топшириқларни фақатгина ўқитувчи бошчилигида репродуктив усул ёрдамида бажара олади; 3) **ўртача** талабага ижодий топшириқларни бажаришда қўшимча омиллар зарур ва у ўйлаганини амалга ошириш учун янги элементлар киритади. Бунда талаба индивидуал ижодий фаолиятга интилмасдан, кичик гуруҳларда ишлашни афзал кўриши муҳим; 4) **кучли** талабаўз кучи ва имкониятларига ишонади, баъзида уларга ортиқча баҳо беради.

Тадқиқот доирасида талабаларнинг ижодий ривожланишининг кенг тарқалган кўринишлари тавсифланган:

- пассив-таништирув (ижодий фаолиятга қизиқиш ва ички эҳтиёж);

- ижодий-репродуктив (талабаларнинг ижодий фаолиятга интилиши билан мос келиши ва унинг репродуктив характери);

- қисман ижодий (талабанинг фаоллиги тизимли истак ва хоҳишларни талаб қилади, унинг ижодий фаолияти изланувчи характерга эга);

- хусусий ижодий (талабанинг ўз фаоллигини бошқаришда унинг билишга оид фаолияти ижодга айланади).

Чет тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий қобилятлари ривожланишини характерловчи хусусиятларнинг асосий кўрсаткичлари:

а) ўз-ўзини ривожлантиришнинг аҳамияти; ўзига хос индивидуалликни сақлаш, бунда юксак маънавий ва моддий даражага эга бўлиш, креативлик ва фаол ижтимоий позицияга риоя қилиши зарур;

б) таълим ва ўқишнинг аҳамияти; оила ва жамият ҳаётининг мавжудлиги; индивидуал ижодий хусусиятлар билан касбга қизиқиш;

в) шахс креативлиги, мотивация аҳамияти; йўналиш, мулоқот ва хулқнинг мослашувчанлиги;

г) образли креативликнинг аҳамияти; ижод образларининг мослашувчанлиги, оригиналлиги ва ишланганлиги кўринишлари;

д) фаол ижодий фаолиятнинг аҳамияти; қизиқувчанлик ва топқирлик кўринишларига қодирлик.

Педагогик фанининг бутун тарихи давомида амалиётга нафақат халқаро педагогик тажриба, балки Ватанимиз тадқиқотчиларининг тажрибаси асосида йўналтирилган психологик-методик моделларни татбиқ қилишга уринишлар давом этиб келади. Тадқиқотда қуйидаги методик моделлар ажратиб кўрсатилди:

1) эркин модел (кескин педагогик ҳаракатларнинг йўқлиги);

2) шахс модели (мураккаб ўқитишнинг юқори даражаси);

3)ривожлантирувчи модел (талабанинг таълимий фаолиятини қайта куриш);

4) фаоллаштирувчи модел (талаба билиш фаоллигининг ўсиш даражаси);

5) шакллантирувчи модел (лаёқатни ўзлаштириш жараёнида мақсадли бошқариш).

Чет тилини ўқитишда муҳим педагогик-психологик хусусиятлардан бири фаоллик ҳисобланади. Фаоллик инсоннинг ижодий ҳаракатлари, унинг иродаси, оддий мулоқотда ҳам намоён бўлади. Талабалар ижодий фаоллигининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар:

а) талаб ва эҳтиёжлар, ижодий фаолиятга интилиш;

б) ўзгариб турадиган фаолиятга тайёргарлик;

в) ўрганилаётган фан, объект ва ҳодисаларга ўзгарувчан муносабат;

г) эвристик имконият;

д) шахсий ва ўзи ўзгарувчан фаолият.

Талабанинг ижодий фаоллигини биз, ўз ичига икки таркибий қисмни оладиган шахснинг интегратив чегара, чизиғи деб белгилаймиз:

1) талабаларнинг фаол ижодий фаолиятга интилиши (мотивацион таркибий қисм ҳисобланади);

2) ўзининг ижодий фаолиятини амалга оширишни билиши (операцион таркибий қисм ҳисобланади).

Чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларда ижодий фаолликни ривожлантиришнинг уч асосий гуруҳга бирлашган омилларини алоҳида қайд қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Булар:

1) олий таълим муассасидаги ички омиллар;

2) ташқи муҳит омиллари;

3) талабаларнинг шахсий фазилатлари.

Диссертациянинг **«Тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишда талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг асосий йўллари»**деб номланган иккинчи бобида инглиз тилини ўргатишда талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари; инглиз тилининг ўқув фани сифатидагива олий таълим муассасаси талабасининг ижодий фаоллигини ривожлантиришдаги роли; инглиз тилини ўқитишда тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг зарурий шарти бўлган модел ва замонавий педагогик технологиялар ёритилган.

Тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишда ташқи мотивацияни ривожлантиришда қуйидаги педагогик шарт-шароитлар энг муҳими ҳисобланади: муваффақиятли вазиятини шакллантириш, талабаларнинг ўз кучига ишончини шакллантириш; билимларни назорат қилишнинг мажбурийлиги, ўқитувчи томонидан белгиланган аниқ муддат ичида талабаларга берилган топшириқларни бажаришда уларнинг шахсий масъулиятини ривожлантирадиган «авторитар талаблар» ва бошқалар.

Тадқиқотда инглиз тили машғулотларининг методик мазмуни тавсифлари аниқланган: 1) нутқ қобилиятини ривожлантириш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш фаолияти билан боғлиқ нутқий вазиятларни доимо ўзгартириб туриш зарурлиги; 2) нутқий материал талабалар томонидан мантиқий фикрлаш топшириқларини бажариш жараёнида беихтиёр эсда қолиши шартэкани; 3) нутқий материални машғулот мавзусига киритишни амалга ошириш туфайли такрорлаш; 4) машқлар бироз ўзгартирилган ва тўлиқ комбинациялашган нутқий материални таъминлаб бериши зарурлиги. Чет тил маданияти ўқитиш мақсади сифатида ўз ичига тўрта асосий аспектини олади: а) таълимий аспект (мақсаднинг ижтимоий мазмуни); б) билиш аспекти (мақсаднинг лингвистик мазмуни); в) тарбиявий жиҳат (мақсаднинг педагогик мазмуни);г) ривожлантирувчи жиҳат (мақсаднинг психологик

мазмуни).Талабаларнинг нафақат ижодий фаоллигини ривожлантириш, балки мустақил ишини ташкиллаштириш имконини берадиган мақсадни мустақил белгилаш, ўқишнинг восита ва усулларини танлаш, шунингдек, ўқув фаолиятининг боришини мустақил назорат қилиш ва унинг натижаларини баҳолашга алоҳида эътибор берилди.

Тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тили машғулотларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш, чет тилига оид нутқий фаолияти, педагогик мулоқоти ва қулай педагогик шарт-шароитларини ва дидактик технологиялар комплекси асосида келгусидаги фаолиятининг ижодий таркибий қисмини эгаллаш жараёнини талаба индивидуаллигини мақсадга йўналтириб амалга оширилишидир.

Олий таълим муассасасида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабанинг педагогик таъсир қилиши яънисубъектдан объектга ўтиши, унинг ижодий имкониятларини келгуси касбий фаолиятида қўллаш кўзда тутилмоқда, бунда талаба ўзининг мустақиллиги, ташаббускорлиги ва ижодийлигини намоён қила олади. Шундан келиб чиққан ҳолда тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели такомиллаштирилди (1-жадвал).

Инглиз тилини ўргатиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини шакллантириш технологияси изчиллик билан амалга ошириладиган жараён бўлиб, қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1) ахборот-коммуникатив қобилятини шакллантириш. Бунда бир вақтнинг ўзида ўрганилаётган курсларнинг мазмуни билан боғлиқ касбий лаёқатнинг когнитив, мазмунли-операцион таркибий қисмларини эгаллаш амалга оширилди;

2) талабаларнинг ўз касбий имкониятлари апробацияси (дидактик ўйинлар, тестлар ва тренингларда);

3) тажрибаларни кейинчалик ҳам эгаллаш;

4) касбий компетентликнинг ижодий аспектларини эгаллаш, лойиҳалаш ва эксперимент қилиш;

5) касбий тайёргарлик натижаларини якунлаш (битирув малакавий иши ҳимояси ва давлат аттестацияси).

Коммуникатив-таълимий муҳит қуйидагиларнинг йиғиндисидан таркиб топади: а) инглиз тилини ўрганишнинг шароитлари ва вазифалари; б) фаолиятни ташкил қилиш шакли; в) таълим ва ишлаб чиқариш муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Инглиз тилини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш тилларга ихтисослашмаган таълим йўналиши талабаларининг ижодий фаоллигини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади ва шу билан бирга олий таълим муассасаси битирувчисида касбий кўникмалар; илмий-техник қобилиятини шакллантириш; таълимий жараён мазмунини янгилаб туришни тақозо этади.

**1-жадвал**

**Тилларга ихтисослашмаган тълим йўналишларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели**

| **Мақсад - инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш** | | |
|---|---|---|
| **Вазифалар** | | |
| **Талабанинг билиш фаолияти шакллантириш** | **Талабаларнинг мотивационтизимини ўзгартириш** | **Талабаларнинг касбий масалаларни ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш** |
| Ўқув фаолияти ўз ичига касбий билимларни бериш ва шакллантириш,ўқув машғулотлари жараёнидагавдаланадиган ва белгиланган доирадан чиқмаган ҳолда когнитив тузилиш ва операцияларга йўналтирилган ташкилланган тизим билан белгиланади, бунда якка тартибдаги машғулотлар, мустақил таълим, шу жумладан, талабалар режалаштирилган ва мураккаблаштирилган топшириқларни бажарган ҳолда янги тажриба орттиради ва бошқ. | Тарбиявий фаолият, касбий таълим жараёнинимақсадга йўналтириш, ижтимоийаҳамиятли фаолиятнинг рағбатлаш, талабанинг тарбиявий ҳаракатини рағбатлаш (руҳлантириш, танлов эркинлиги бериш ва бошқ.), талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш ва шахс ижодий мотивацияси, нопродуктивлик эмасбалки ижодий фаолиятга олиб келувчи талабанинг хусусиятлари, маънавий, ижодий эҳтиёжларига йўналтириш | Ўқув-касбий фаолиятнинг талабаларда амалий кўникмаларни (мустақил қарор қабул қилиш, уни жамоа олдида ифодалай олиш ва ўз фикрини ҳимоя қилиш, ижодий, вазиятли масалани ҳал қилиш ва бошқ.) шакллантиришга қаратилган, бу эса талабаларнинг фаол позицияси шаклланишини белгилайди, предметни эса аста-секинлик билан ўқув-амалиётиданиш ўйинлари, аниқ вазиятлар, шунингдек ишлаб чиқариш амалиёти, тажриба ортириш, илмий-тадқиқот,битирув малакавий иш шаклида касбий-амалийфаолиятгаайлантиради. |
| **Касбий лаёқатлар** | **Касбий мотивация** | **Амалий касбий билимлар** |
| ↓ | ↓ | ↓ |
| **Натижа: юқори малакали мутахассис** ↑ | | |
| **Талабаларнинг ижодий фаоллигини баҳолаш мезонлари:**<br>- **когнитив** (касбий тасаввурлари, унинг талабалар олдидаги талаблари, ҳамда унинг эгаллаётган касби талабларига мослигини англаш ва б.к);<br>- **ташкилий-фаолиятли** (касбий компетентлигининг шаклланганлиги, ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши, касбий фаолиятда ижодийликка асосланиш, жамоада ишлашга ўзини сафарбар қилиш ва уни ташкил эта олишга йўналтириш);<br>- **мотивацияли** (касбий фаолиятни эгаллашга бўлган эҳтиёж, касбий фаоллигининг мувофақиятини таъминловчи мотивация ва компетенциялар). | | |

Инновацион технологиялардан энг истиқболлилари сифатида «кейс технологияси»(аниқ ўқув вазиятлари асосида ўқитиш); рефлексия (ўзини билиш ва ўзини баҳолаш), диагностик ва ривожлантирувчи; тренинг технологиялар (ишга алоқадор коммуникация, шахснинг ривожланиши, коммуникатив билимлар тренинги); лойиҳалаш, мультимедиа технологиялари; турли

даражадаги ўқитиш технологиялари; модулли ўқитиш технологияси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Диссертациянинг «**Тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишда талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижалари**»деб номланган учинчи бобидатилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш вазифалари, усуллари, тажриба-синовни ташкил қилиш, талабаларнинг ижодий фаоллигини ташхислаш, олий инглиз тилини ўрганишга оид тадқиқотнинг моҳияти ва натижалари баён қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чет тилида коммуникатив компитентлигини шакллантириш мавжуд жонли тилдан фойдаланиш компитентлигини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, тил тузилиши мураккаблигини эмас, балки лингвистик кўринишларни унинг коммуникатив функциялари (ахборот, эмоционал-баҳоловчи, регулятив, этикет) билан ўрганишга йўллайди.

Талабаларни инглиз тилига ўқитиш жараёнида қуйидаги эшитиш турларига ўргатиш: а) ахборотнинг тўлиқ унинг барча қирралари эшитиб тушуниш(аудитрлаш)б) хабарнинг асосий мазмунини тушуниб эшитиш; в) танлаб эшитиш ва тушуниш (зарур ахборотнинг алоҳида, аниқ ва урғу бериладиган ўринларини) ва уларга.мос стратегияларни шакллантириш.

Ҳозирги даврда чет тилларни ўқитишда доимий равишда ўқитиш талабаларнибу жараёнга ижодий ёндашиш ва билимига бўлган қизиқишини таъминлашни кўзда тутган янги методлар қидирилмоқда. Бунда метод танлаш қуйидаги шартларга бевосита боғлиқ:чет тилида ўрганилаётган материал мазмунининг ўзига хослиги; кадрларни тайёрлашдаги умумий вазифалар; талабаларнинг тайёргарлик жиҳатдан ва ўқитиш воситаларининг мавжудлиги. Тадқиқот йўналишидан қатъий назар ўқитиш ва ўргатишнинг фаол методлари ўйинли, ўйинсиз ва имитация турларига бўлинади.

Тилларга ихтисослашмаганолий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ташхислаш, олиб борилган таҳлиллар бўйича, қуйидагиларни аниқлаш имконини берди:

талабаларнинг фан бўйича компетентлигининг дастлабки даражалари;

талабаларнинг ижодий фаоллиги даражалари, шунингдек, уларнинг инглиз тили фанига муносабати;

тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш мотивацияси;

талабаларнинг қўлланаётган турли усул ва воситаларга муносабатлари;

ижодий жараён иштирокчилари сифатида талабаларнинг шахслараро муносабатлари, қадриятли- йўналганлик бирлиги;

ўқитиш жараёнида талабалар ижодий фаоллигининг дастлабки ва якуний даражалари аниқланди.

Тадқиқот давомида тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув дастурлари, талабаларнинг инглиз тилига оид лаёқати таҳлил қилинди ва қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинди:

лексик аспект – ўзлаштирилиши қийин бўлган луғавий ва синтактик бирликлар (сўз бирикмалари), нотаниш матндаги таниш сўзлар миқдори ва ҳ.к.;

грамматик аспект– маълум белгиланган вақт ичида йўл қўйилган (имловий, синтактик, услубий)хатолар;

коммуникатив аспект;

эшитиб тушуниш аспекти.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бўлажак мутахассисларнинг катта қисми инглиз тилига маданиятлараро ҳамкорлик омили деб эмас, балки мажбурий ўқув фани сифатида қарайди («Инглиз тилини ўқув фани сифатида ўрганаман» – 65%, «Инглиз тилини ахборот тизимида зарур тил сифатида ўрганаман» – 56%, «Инглиз тилини маданиятлараро ҳамкорлик воситаси, деб ўрганаман» – 19%).

Диагностика натижаси таҳлили кўрсатадики, бўлажак кадрлар замонавий шароитларда инглиз тилини ўрганишнинг нафақат жамият ҳаётида, балки касбий фаолиятда ҳам аҳамияти юқорилигини етарли даражада тушуниб етмаган. Тадқиқотда инглиз тилидаги мулоқот муаммолари ҳамда инглиз тили бўйича тайёргарлик сифати ҳам таҳлил қилинди. Олинган маълумотлар сифатли даражани таъминловчи ва шакллантирувчи тажриба-синовларни ўтказишга имкон берди.

Тадқиқот доирасида тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш бўйича универсал комбинациялашган технология (турли даражадаги, дифференциялашган, жамоавий ўқитиш, статистик, динамик, вариацион жуфтлик, ҳамкорлик, модулли ўқитиш ва бошқалар) ишлаб чиқилди, мазкур технология Ўзбекистон Республикаси таълим тизими талабларига мос келади, кадр тайёрлашда умумкасбий ва тил соҳаларининг интеграцияси асосида талабаларда ижодий фаолликни ривожлантиришни юқори касбий даражага олиб чиқиш имконияти мавжуд, шунингдек, чет тилларни ўқитишда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиққилиш жараёни амалга оширилди, улар биринчи навбатда шахснинг аналитик ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилди, улар ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: суҳбат (мунозара); ижодий-фаолиятли ёндашув; талабанинг индивидуал ривожанишида ёрдам кўрсатишга қаратилган; талабага мустақил қарорлар қабул қила олиши учун зарур йўналиш бериш; мазмун, ўқиш ва ҳулқнинг усулларини танлаш.

Тажриба-синов 3 босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич. Назорат ва тажриба гуруҳларида касбий-коммуникатив компитентлигининг бошланғич назорати.

Иккинчи босқич. Инглиз тилини ўрганиш бўйича шакллантирувчи омилларни киритиш.

